ТЕМИР ЙЎЛ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ ЎСИШИ - МИЛЛИЙ ДАРОМАД ЎСИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Нурходжаева Ҳилола Хакимходжаевна

Ўзтемирйўлйўловчи ” АЖ етакчи мухандиси

Аннотатсия.

Иқтисодиётни жадал ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, чуқур таркибий туб ўзгаришларни, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ҳамда диверсификация қилишни давом эттириш ҳозирги кунда муҳим ҳисобланади. Бизнес юритиш учун янада қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, юқори қўшимча қийматга эга юксак технологик, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Мамлакатдаги мавжуд табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда иқтисодиётимизнинг рақобат борасидаги бошқа устунликларидан фойдаланиш асосида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш Ўзбекистонни замонавий тараққий эттиришнинг стратегик устувор йўналишлари ҳисобланади.

Шу мақсадда мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан _____ чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.2. бандида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига рақобатбардошлигини ошириш” мақсадида қуйдагилар : □

-юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат

жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

□□□□□экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар; этиш каби асосий йўналишлар белгилаб берилган.

Булардан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июлидан фармони билан мамлакатимиз экспорт қилувчи ташкилотларини янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида, хусусан, хўжалик юритувчи субъектларга тўғридан тўғри шартномалар асосида янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларни 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширганда сотиш. Экспорт қилувчи ташкилотларга имтиёзлар ва чекловлар берилиши ҳам экспорт хажмини ошишига хизмат қилади. Рағбатлантирувчи ва имтиёзлар тизимининг кенг қамровлилиги мисолида ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспортчиларни 50 миллион АҚШ доллари дан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратиш тўғрисидаги қарорни, 2020 йилга томчилатиб

суғориш учун ускуналар, махсус жиҳозлар, кўчатлар ва бошқаларни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилиш тўғрисидаги қарорни келтириб ўтиш мумкин. "Ўзбекистон Темир йўллари" АЖ тақдим этилаётган хизматлар, жумладан, юк ташиш сифатини яхшилаш борасидаги ишларни давом эттирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз темир йўл бошқармасининг юк автомобиллари 2017- й.да 68 million тонна юк ташиб, йиллик юк айланмаси 22,9 миллиард тонна-км.ни ташкил этди. Юкларни ташишда вагонларни ўз жойларига ўз вақтида етказиб бериш муҳим рол ўйнайди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти юк ташиш билан боғлиқ бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига зудлик билан жавоб

бериш мақсадида ўтган йилнинг сентябр ойида юкларни ўз вақтида рағбатлантириш, ўтиш ва етказиб беришни мониторинг қилиш бўлими тузилди ва бу масалаларни назорат қилиш учун маҳсус ишчи гуруҳлари ҳам ташкил этилди. Асосий нуқталардан бири “ишонч телефони” ташкил этилган бўлиб, унда манфаатдор шахслар, яъни тадбиркор-экспортчи-импортчилар юк ташишга доир саволларига жавоб топишлари мумкин бўлади. Келиб тушган сўровларнинг энг кўпи ташиш шартлари, товарлар етказиб бериш шартлари ва мавжуд тарифлар билан боғлиқ. Юқоридагилардан ташқари мамлакатда яна бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хомашё ресурсларини қайта ишлаш, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ёрдамида қўшма корхонларни ташкил этиш, ишлаб чиқилган товарларни экспорт қилиш ва мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш. Экспорт қилинаётган маҳсулотлари жаҳон бозорларида доимий мижозларни топиш ҳам шулар жумласидандир. Аммо ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш харажатларида мутлақ ва қиёсий устунликларга эга бўлиш ҳам ҳар доим маҳсулот экспортёри бўлиши мумкинлигини англатмайди.

Экспорт ва импортертёрнинг позициялари кўп жиҳатдан халқаро бозорларда ва мамлакат ичида рақобатнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Макроиқтисодий ривожланишга келсак, ҳар бир мамлакат имкон қадар экспорт қилишни ва экспортга йўналтирилган даромадни импорт қилишни мақсад қилиб қўяди, бу эса иқтисодиётда экспорт ва импорт функцияси билан белгиланади. Уларни ишлатиш учун валюта курслари, турли мамлакатлардаги истеъмолчиларнинг имтиёзлари ва иқтисодиётнинг таркибий хусусиятларини эътиборга олиш керак. Демак, мамлакат экспортининг даражаси бошқа мамлакатлар миллий даромадларининг ортиб борувчи функцияси сифатида қаралади. Бошқача қилиб айтганда, экспорт бошқа давлатларнинг миллий даромадлари ошиши билан ортади, ва аксинча бир мамлакатнинг импорти эса шу мамлакатнинг миллий даромадлари ўсиши билан ортади. Икки мамлакатнинг экспорти, импорти ва миллий

даромади ўртасидаги муайян ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу ташқи савдо мултипликатори сифатида изоҳланади. Ташқи савдо мултипликаторининг таъсири, мамлакатдаги инвеститсияларнинг кўпайиши, аввало, одатдаги кўпайиш жараёни натижасида даромадларнинг кўпайишига олиб келади. Мамлакатнинг миллий даромади ўсиб бориши , унинг импорт ҳажмини ҳам ошиб боришини англатади ва бу мамлакат импорти бир вақтнинг ўзида бошқа давлатнинг экспорти ҳисобланади, натижада иккинчи мамлакатнинг миллий даромади ҳам ортишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, унинг миллий даромадининг ўсиши яна бир учинчи мамлакат импортининг ошишига олиб келади ва бир вақтнинг ўзида биринчи мамлакатнинг экспорти бўлгани учун бу биринчи мамлакатнинг даромадлари ошишига олиб келади. Бу эса , миллий даромад, экспорт, импорт каби иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларда ифодаланади.

Шундай қилиб, экспорт, импорт ва миллий даромадлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик иккита стратегия ўртасида бир мамлакатнинг экспорти бошқасининг импорти эканлигини кўрсатади. Миллий даромад қанчалик кўп бўлса, импорт ва шунга қараб экспорт ҳам катта бўлади. Қаътий белгиланган валюта курслари мувозанат модели пул ва молия сиёсатининг импортига таъсир кўрсатади. Сузувчи валюта курслари мувозанати модели эса, миллий валютанинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлиб, экспортчиларни рағбатлантиради. Япония тажрибаси шунга мисол бўла олади. Демак, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида рақобатбардошликни ошириш, экспорт субсидиялари сиёсатини тўғри олиб бориш, реклама ташкил этиш ва жаҳон товар бозорларига маълумот бериш ва чет эларда маҳсулотларини сотиш, бунинг натижасида мамлактда валюта айланмасини ошириш ва миллий даромад хажмини ошириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.